

Хуршид Нуруллаев

**МУҲАББАТ
МУЛКИ**

Шеърлар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2008

84(5Ў)6

Н87

Ушбу тўпламни нашр этилишида яқиндан ёрдам берган Баҳодир А хусусий фирма раҳбари Аслам Маматқуловга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

НД 34922
091

Нуруллаев, Хуршид.

Муҳаббат мулки: Шеърлар / Х.Нуриллаев. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. — 44 б.

Кўнгилда кечган кечинмаларнинг шеър бўлгани яхши. Яна у севги ҳақида бўлса. Ана шундай шеърларни ўзида жамлаган тўплам Сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

ББК 84 (5Ў)6

Н 4702620202-101 қатъий буюртма, 2008

М352(04)-2008

20.08/25

А 6980

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston Axborot

Хуршид Нуруллаев,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2008 й.

ISBN 978-9943-03-176-0

ОШИҚ

Ёнишимга парво қилмайсиз ҳечам,
Кул бўлиб, пойингиз ўпар тупроғим.
Ёдингиз кўйида ўтар ҳар кечам,
Васлингиз орзуси дарду фиरोғим.

Висолсиз ой кўкни тарк этар охир,
Булутлар ичинда юлдузлар хира.
Кўздаги ёшимга қўшилар ёмғир,
Кўнглимни тарк этмас ширин хотира.

Ҳақ экан, ёлғизлик ўлимдан оғир,
Дунё сиз томонда, мен қолдим якка.
Сезаман кулбамда ўзни мусофир,
Ҳеч нарса татимас сизсиз юракка.

Умримни бахш айлай, кул қилинг мени,
Гарчи жон эгамдан менга насия.
Ишқингиз ўтида кул қилинг мени,
Бир бора айтинг бас, севаман дея.

Ўн саккиз минг олам омонат, асли,
Дерлар руҳ ишқ билан яшар барҳаёт.
Боқийдир муҳаббат – синоат фасли,
Ва ҳижрон – армонга ёлланган сайёд.

Кўрқмайман қиёмат бўлар онидан,
Розиман дўзахда ёқсалар таним.
Шаккокман – Сиз учун кечдим жонимдан,
Мен учун савобдир сизни севганим.



МУҲАББАТ МУЛКИ

Хаёл кенглигига тортдинг чегара,
Фикру ёдим фақат сенга бўйсунди.
Ёмғирда кўкарган сингари саҳро
Кўнглимда орзиқиш чечакдек унди.

Хотира уйида югурдак хаёл
Кўнглимга соғинчни келади бошлаб.
Армон – ишқ қолдирган мерос ҳам малол,
Бошимни эгади селдек кўз ёшлар.

Шодлигу ғамларим бунча бежирим,
Эртароқ бир ҳақни айласам баён,
Умиднинг қўлида гарчи тақдирим,
Ҳаётнинг мазмуни кун каби аён.

Бу дунё азалдан мўъжиза, хилқат,
Ошиқлар юраги – муҳаббат мулки.
Ишқнинг даргоҳига кирмоқ бор фақат,
Севгини жон бериб тарк этмоқ мумкин.





ИШҚНИ ТУШУНИШ

Токай сиз ҳижронга кўрсатиб раҳм,
Шафқатни аяйсиз мен нотавондан.
Кўнглимни тўфондек босади ваҳм,
Наҳот айрилсам сиз моҳитобондан.

Кўкрагим босаман замин кўксига,
Қалбим ҳовурини ололмас тупроқ.
Жавобсиз севгидан кўнгил ўксиган,
Муҳаббат боғига киролмас мутлақ.

Осмон чексизлигин қилгандек аён,
Англатгим келади, ишқимдир беҳад.
Бўлса Қайс севгида мажнуни жаҳон,
Минг бора зиёддир менда бу жиҳат.

Бир қалбнинг ишқидан яралмас висол,
Кўнгиллар жуфтлиги муҳаббат сайли.
Шуълага талпинган парвона мисол
Васлингиз кўйида ўлсайдим майли.

Биламан, севгандан севилган ортиқ.
Лекин ишқ олдида қолгум иснодга —
Хаёлга келмасам, эсланса ошиқ,
Содиқлик деганда тушмасам ёдга.



ИҚРОР

Севолмадим сизни, сизда гуноҳ йўқ,
Қашшоқ сўзлар ожиз таърифингизга.
Кўзга илганингиз учун минг қуллуқ,
Кошки мен арзисам ташрифингизга.

Кўз очар хижолат йўқлаб келсангиз,
Ҳижронга аталган қўноқдир хонам.
Узр, сизни менмас, агар билсангиз,
Минг чандон зиёдроқ севади онам.

Илтифот қилмадим, кўнглимдан ўтиб,
Тилимни тушовлаб олган хотира.
Сиз мени кечиринг, бўлмас унутиб,
Ёшлиқни, гарчи у кетган ётсираб.

Вафога ишониб панд еган қисмат,
Ўйлайсиз, бевадек очиқдир йўлим,
Армонлар юпанчга қилса ҳам хизмат,
Надомат ёқасин бўшатмас қўлим.

Севги қалбимдаги бузилмас қасам,
Муҳаббат туғилар, асло ўлмайди.
Хафа бўлманг сизни дўст деб атасам,
Ахир, иккинчи бор севиб бўлмайди.



ХУЛОСА

Хаёл кўшинига бўлганман тутқун,
Очиқ кўзларимга мавҳумдек борлиқ.
Қулоққа чалинмас атрофдан бир ун,
Нохос туртиб кўяр қалбни бир оғриқ.

Идроким жисмимдан бўлган бадарға,
Руҳимнинг измига ўтар ақлу ҳуш.
Хаёл ўтмишларни йўқловчи дарға,
Хотира наҳотки ўнгда кўрган туш.

Ёшликка қайтдимми, ё ёшлик қайтар,
Ўшал масъум чеҳранг равшан намоён.
Оҳ, нега соғинчни шафқатсиз ҳайдар
Надомат, қисматнинг бағрин қилиб қон.

Ҳаёт қайтмаслигин кеч тушундим, оҳ,
Яшашга йўқ экан тагин бир навбат.
Ошиқнинг умрига бўлсин деб паноҳ,
Мангуга берилар экан муҳаббат.



ИШҚ АРМОНИ

Хаёлим бойлиги – ёд қолган чеҳранг,
Тўймай тикиламан юмиб кўзимни.
Ташвишим йўқ, лекин нечун ҳолим танг,
Эркинман, тутқундек сезгум ўзимни.

Орзулар сурмоққа хилватгоҳ – кулбам
Армондор кўнглимга тор келар бугун.
Гуноҳим – шайтондан орттирган шубҳам,
Надомат юртига айлаган сургун.

Хотира таъналар тошини отар,
Руҳимни қийноққа тортади ўкинч.
Юракда орзиқиш – армон уйғотар
Умиднинг уйидан ҳайдалган ўтинч.

Қисматни тақдирнинг бўйнига осиб
Юрганим бекор, мен гуноҳкор асли.
Айрилиқ сабабин номимга ёзиб,
Ҳақлисан бир умр юрсанг аразли.

Хатонинг кўзи ҳам ёрийди охир,
Ғалаба туғини кўтарар ҳижрон.
Кўнгил давлатингда мен бир мусофир,
Муҳаббат дардидан қалбим ногирон.

Сенингсиз гоҳида ҳолим бўлса танг,
Юпатгум хотирлар билан ўзимни.
Хаёлим бойлиги – ёд қолган чехранг,
Тўймай тикиламан юмиб кўзимни.





РОЗ

Гулдек товонингга юзини қўйган
Тупроқлар минг бора мендан бахтлироқ.
Сув ичсанг — лабингнинг тамини туйган
Булоқлар минг бора мендан бахтлироқ.

Кўйлагинг этагин тортқилаб қочган
Шамоллар минг бора мендан бахтлироқ.
Зулфу анбарингни олган қулочга
Рўмоллар минг бора мендан бахтлироқ.

Лолалар сайлига чорлаб, ўтинган
Тоғлар ҳам минг бора мендан бахтлироқ.
Булбули сен билан ошно тутинган
Боғлар ҳам минг бора мендан бахтлироқ.

Бугун атрофингда неки парвона
Бир умр ёнингда бўлмас, бўлолмас.
Эртангги кунингга содиқ ҳамхона,
Ҳеч бири ҳажрингда мендек ўлолмас.





БИР ИШҚ ТАРИХИ

Кетасиз,
Ҳаловат тарк этар кўнглим уйини,
Ғариб бир гўшага айланар дунё.
Бошимда чарх урар ғамнинг қюни,
Юрагим қоронғу, тундан ҳам сиёҳ.

Куясиз,
Иснодга қўймоқчи бўлади гумон,
Дўст қилиб кўрсатар ўзини тухмат.
Шубҳага ишқ уйи қўноқ бўлган он,
Хавотир даштига қувғин муҳаббат.

Кўрасиз,
Юрибман уйимда мусофир каби,
Жудолик ҳижронга ташланган хўрак.
Кўнгил узолмайман сиздан, сабаби,
Ишқнинг ватанига айланган юрак.

Кутасиз,
Ишонч ҳам гоҳида бериб қўяр панд,
Кўнглимни уй қилиб олар надомат.
Ишқ қалбни ўзга бир қалб билан пайванд
Этса гар, шул экан тақдирдан омад.

Келасиз,
Муз каби эрийди кўзимда таъна,
Раҳм ҳукмин ўтказар кўнгил уйига.
Кўлимни кафтингиз тутаркан яна,
Рақс тушар юрагим ишқнинг куйига.

Куласиз,
Руҳимдан кувғинга учрайди ғашлик,
Масрурлик эгаллар қирғоқ бўйини.
Наҳот хуррам дамлар сизга қарашли,
Кечагидек ётмас қалбим куюниб.

Кирасиз,
Кўнглимга киргандек, хонамга бир кун,
Негадир ийманиб кўтараман бош.
Кимдир чимилдиқни кўтарар бе ун,
Чақнаб кетар уйнинг бурчида қуёш.





ОХИРГИ ҰТИНЧ

Кўйгил, сўрамагил мендан кечирим,
Хаёллар талпинар ўтмишга фақат.
Кўзларим тунлари билмайди чирим,
Маҳзунлик юракни ўртар бешафқат.

Малҳам бўлолмайди заррача узр,
Дарз кетган кўнгилни бўлмас чегалаб.
Биламан, энди ҳеч билмайди ҳузур,
Армоннинг юртига сургун бўлган қалб.

Афв этсам садоқат қолар ўксиниб,
Вафонинг юзига босгандек оёқ.
Қалбда ўт ўчса гар ишқ қолар сўниб,
Чўккандек уммонда нур сочган маёқ.

Надомат юкини бўйнингга илиб,
Ҳаваснинг қурбони бўлган тақдиринг.
Бир кун томоғингга келар тиқилиб
Кўксингни гижимлаб ётган ишқ — сиринг.

Мушкулдир ўзингдан сиринг яширмоқ,
Хотиранг руҳингни айлайди таҳқир.
Яшаш бу — ишқ деган мазҳабга кирмоқ,
Иймондан айрилмоқ ўлим-ку, ахир.




ВАФОСИЗ ҚИЗГА

Кутган гапингизни ичимга ютдим,
Маломат қилишдан тортмасман енгил.
Сиз айтганча бўлсин, майли, унутдим,
Майли, бундай кейин сиз менга сингил.

Кошкийди шу билан ўзгарса ўтмиш,
Энди ўзгалармиз, айридир йўллар.
Унашилганингиз ийманиб тутмиш,
Қўлингизга узук ва даста гуллар.

Севгимас, бу ҳавас экан, дедингиз,
Балки аядингиз, ё гапингиз рост.
Танлаганди мени кеча дидингиз,
Бугун оилангизга бошқа йигит мос.

Энди қололмайман, кетгум олислаб,
Сиз на ошиқасиз ва на кутасиз.
Бугунни, эртани, ўтмишни эслаб,
Бир умр армонда яшаб ўтасиз.





РИЗОЛИК

Соғинч ўйларимга йўлбошчи яна,
Хотира эшигин очар хаёлга.
Надомат бошимга ёғдирган таъна
Кўнглимни солади ўксик аҳволга.

Армоннинг саҳнидан сурилар парда,
Ўтмиш орзулари бир-бир очар юз,
Қисматим айбимга қиларкан зарда,
Ночорлик иқроридан тортаман маъюс.

Кўзимни кўр қилди шубҳанинг тиғи,
Ҳижроннинг даштига туташди йўлим.
Томоғимга тошдек тиқилган йиғи,
Ўртаниш дардига топилмас ўлим.

Айбимни тан олиб тортмасман енгил,
Гуноҳим кечсанг ҳам, орқага йўл йўқ.
Ўтмишда ёр бўлган, эй сирдош сингил,
Муҳаббатинг учун Сенга минг қуллуқ.





ИШҚ ҲАҚИДА

Кўзимдан излайсиз кўнглимда не бор,
Кўҳи Қоф вазнидай малол шубҳангиз.
Гумонлар дастидан кўрмоқда озор
Қалбда ниш отган ишқ – ноёб туҳфангиз.

Бахтнинг кўчасида кўз очган туйғу
Ифвога алданиб алашди йўлдан.
Ҳолимиз фанимга бўлмоқда кулгу,
Ишончнинг жиловин чиқардик қўлдан.

Андиша қилмаган бирор зотга вақт,
Ахир, ҳажр – айрилиқ излаган сайёд.
Омад – ишқ ҳумоси бошга қўнса, бахт –
Севиб севилмоққа бахшида ҳаёт.

Дунёни гўзаллик асрар ишқ сабаб,
Ажиб бир латофат безар оламни.
Севгисин иймонга тенг қилиб, ё раб,
Кўкларга кўтариб юрар одамни.



ЧЎПОН СЕВГИСИ

Номаҳрам шамоллар кезинган маҳал,
Юлдузлар ёпинар булутдан чачвон.
Нохосдан кулоққа чалинар дағал,
Момақалди роқлар ўқиган фармон.

Моҳтобни қўйнига яширади тоғ,
Уфқни маҳв этар қаҳрабо зулмат.
Нозик япроқларни босса ҳам титроқ,
Дарахтлар қаддини эгмаган жўмард.

Ҳайҳот, ёрилгандек юлдуз юраги,
Осмоннинг қаърида чақнаб кетар ўт.
Наҳотки шамолнинг бир югурдаги,
Қора терга ботиб изғиган булут.

Томчидан ҳуркийди супадаги ит,
Бостирманинг ости энг хилват макон.
Дарчадан кўз узмай тикилар йигит,
Биринчи учрашув, ҳаприқади жон.

“Оқшом шу ҳавода, кўчада ёлғиз...”
Ёқмайди дарс деган гап онасига,
Аразлаб, уй ичра ўртанади қиз,
Ёлғончи бўлгандан “дугонасига”.

Сел қуяр, қозондек қайнар ер бети,
Бирма-бир ўчади уйлар чироғи.
Хўл бўлар уст-боши, жунжикар эти,
Йигитга юқади барглар титроғи.

Тонг отар, ҳовлини кезар шаббода,
Қиз туриб, оғилга югурар шошиб.
Билмас у, шу бугун чиқмайди пода,
Чўпон йигит ётар иссиғи ошиб.





НАДОМАТ

Хаёллар судрайди мени сен томон,
Биламан, висолнинг уйи бизга ёт.
Кузги япроқлардек умид заъфарон,
Хазон – ҳалокатга юз тутан нажот.

Биламан, фироққа сотилган қулмиз,
Надомат марсия тўқийди тинмай.
Маҳзунлик қийналмай топиб келар из,
Шодликнинг ортига қанча беркинмай.

Ишқнинг синовидан ўтмай нотавон,
Қалбимда афсуслар ётади урчиб.
Мен сени орзудан излайман ҳамон,
Сен армон юртига кетгансан кўчиб.





ГИНА

Севгилим, нигоҳинг кўнглимга ботди,
Гина ханжарини ушлаган кўзлар.
Қалбимда хавотир тош каби қотди,
Энди кўзларимда мунг – афсус бўзлар.

Тупроққа тенг қилиб ваъданинг қадрин,
Ҳижроннинг бошини етказдим кўкка.
Синамоқчи бўлиб қалбимнинг сабрин,
Орзулар хизматин чиқардим йўққа.

Биламан, ўтганни ортга қайтармас,
Минг афсус, минг тавба, ҳатто минг узр.
Юз йиллик армонмас мени қилган маст,
Висоллар бахш этган оний бир ҳузур.





ВАСИЯТ

Ёнимда бўлмасанг, шафқатдан тониб,
Кўнглимни тарк этар осойишталик.
Орзулар яратган бахтга ишониб,
Ҳеч ким яшамаган интиқ менчалик.

Ёнимда бўлмасанг, уятни билмай,
Байрам либосини кияди фироқ.
Ойга, юлдузларга қанча тикилмай
Улар юрагимга ёқолмас чироқ.

Ёнимда бўлмасанг, хаёл сочини
Силайди гумоннинг совуқ қўллари.
Учолмас орзулар – севгим лочини,
Гуллайди ҳижронлар – ишқнинг чўллари.

Кун келар жисмимдан жон бўлар жудо,
Азадор осмондай кўк кийин.
Севаман, дегандек айтгин “алвидо”,
Ёнимда бўлмасанг ўлишим қийин.





ТАШНАЛИК

Шамоллар қаҳрини юзимга солди,
Қисматни йўллардан излаган маҳал.
Ноёб орзуларим қайга йўқолди,
Армонлар бунчалар бўлмаса маҳтал.

Ирода отига қилибманми раҳм,
Жиловин қўлимдан қўйдим гоҳида.
Омадни тупроққа қўйибман, билсам,
У сароб алдаган ғурур чоҳида.

Энди афсусларга маҳкумман қулдек,
Мусофир гадодек ишқнинг юртида.
Қовжираган, ташина, заъфарон гулдек,
Ҳис қилдим ўзимни ҳижрон ўтида.

Хайрият, армон бор — ёлғиз юпанчим,
Хотира — ўтмишим ёзилган китоб.
Туннинг таънасини кўнглимга санчдим,
Юлдузлар — муҳаббат қолдирган хитоб.





ЖАЗО

Сўзлар айтилмади сўнгги висолда,
Ҳижрондан оғирроқ кечди учрашув.
Ҳамдардлик тополмай бош эгган толдан,
Юзини тирнади анҳордаги сув.

Юлдузлар кўзида милтиллар ўтинч,
Гувоҳликка олиб ҳалол, пок сувни,
Анҳорнинг бўйида, кўз ёш тўкмай, тинч,
Армоннинг қабрига кўмдик орзуни.

Юрагим муҳаббат тангрисин кўрган,
Оллоҳдан илтифот ҳеч тилолмайман.
Қалбимни севгининг қарғиши урган,
Ўлгунча армондан қутулолмайман.






СЕВГИ ВАТАНИ

Соғинчни менсимай ўжар ғурурим,
Қисматга ортқилар ҳижрон юкини.
Хаёллар қоришган хира шуурим,
Чорасиз тутқундай турар ўкиниб.

Сабр-тоқатига бормикан охир,
Билмадим, танамда не қолди эсон.
Оҳ, сенсиз яшамоқ ўлимдан оғир,
Ёнимда бўлишинг энг буюк эҳсон.

Раҳмингни авайла, хўрланай тўйиб,
Надомат ёғига қоврилай, куяй.
Армоннинг пойига бошимни қўйиб,
Васлингга интизор соғинчни туяй.

Ўлимдан қўрқмайман, ўлиш олий бахт,
Ишқ билан яшаган бўлса жон танда.
Ҳар битта ошиққа ўрнатилган тахт,
Севги деб аталган боқий ватанда.






ТОҚАТ

Йўлинг пойлаб ўтар кўзимнинг умри,
Хаёлим ёдингдан бир қадам жилмас.
Қошингда тиз чўкар ўжар ғурурим, —
Телбавор вужудим қадрини билмас.

Ошиқнинг орзуси — жаннатдан тортиқ,
Руҳим висолингга қилар гадолик.
Савоб йўқ дунёда севишдан ортиқ,
Севмаслик энг офир гуноҳ, хатолик.

Муҳаббат изҳори мўътабар оят,
Ишқ — юрак қонидан озиқ олган гул.
Энг улуғ зиёрат — қалбга саёҳат,
Армонни танимас севилган кўнгил.

Муҳаббат сеҳридан мангудир замон,
Севгимиз абадий, дунё бир зумли.
Соғинчим, майлига, хўрласин ҳижрон,
Йўлинг пойлаб ўтар кўзимнинг умри.



АРЗИ ҲОЛ

Елларни маст қилар сочларинг атри,
Овозинг — булбулни ром этган оҳанг.
Исмингдир энг гўзал муҳаббат сатри,
Нигоҳинг — камалак ҳавас қилган ранг.


Олдингда оқса сув қадри йўқ экан, —
Надомат ҳижрондан ўрганар даво.
Қалбимни тоблаган сандон — ишқмикан,
Оташда куйдириб қилди қаҳрабо.

Сени излаяпман юлдузлар билан,
Йўлимни ёритар ой раҳми келиб.
Ошиқлар дунёда битта қабила,
Яшарлар ёрига саждалар қилиб.

Ҳижрон кўзларимни каттароқ очар,
Фитначи гумоннинг шувутдир юзи.
Иқрорим дастидан гурурим қочар, —
Ҳеч сўқир бўлмаган хатонинг кўзи.

Қадрингни оширар кундан-кун ҳижрон,
Интиқлик дардидан қийналар соғинч.
Умидим уйида хавотир меҳмон,
Кўнглимда ҳаловат дунёси нотинч.

Биламан, афв этмоқ севишдан оғир,
Юракда шафқат ҳам яшайди десанг,
Умрим фироқингда бўлмасин охир,
Кечиргил, агарда заррача севсанг.





ИСТАК

Юлдузларнинг нигоҳи бўлиб,
Сенга тўймай боққим келади.
Орзу қилган сўзингни айтиб,
Дилингга ўт ёққим келади.

Гулдай нафис хаёлларингга
Сўзанадай тикгум расмимни.
Кўзларингнинг қорачиғидан
Бир-бир териб олгум назмимни.

Жоним осган киприкларингдан,
Жой тополмай, ўртансин кўз ёш.
Севги пардоз қилган юзингга,
Ҳавас билан тикилсин қуёш.

Ишқ ошиён қурган ҳар қалбнинг
Юрти бўлар висол боғлари.
Сени бир хил, қаттиқ севарман,
Ҳатто қариб қолган чоғларим.

Ўлим ҳақдир, васият: қўлинг
Сен акс этган кўзларим ёпсин.
Жоним, излаб келган азроил
Мени пойингдан топсин.




ЁШЛИКНИ ҚЎМСАШ

Ёшликни қўмсадим, ёр ёдга тушиб,
Гарчи ортга қайтиш ушалмас орзу.
Қалб вулқон сингари кетади жўшиб,
Хотира дарсида ишқ деган мавзу.

Ёшликни қўмсадим, висол дамларин,
Оламни қувончга тўлдирган қалблар.
Эслайман, соғинчли ҳижрон ғамлари,
Бўсадан лоладек қизарган лаблар.

Ёшликни қўмсадим, севиш фаслини,
Юрак дунё билан топишганди тил.
Қанча ёдга олсам ёрнинг васлини,
Шунчалар ёшариб боради кўнгил.





ҲАҚИҚАТ

Келдинг,
Руҳимнинг уфқида тонглар тирилди,
Севинч кўзларимга сочди учқунлар.
Тақдир қисматига мамнун тикилди,
Байрамдир биз учун аталган кунлар.

Келдинг,
Орзулар кўчаси омаддан гавжум,
Хуррам ўйларимга бахтдир ҳавасманд.
Дунёда ғам ўлган, армонлар мавҳум,
Масрурман, муҳаббат майидан мастман.

Келдинг,
Ортга йўл йўқ энди, ёлғизлик ортда,
Бошқа йўл ҳижроннинг водийси томон.
Ишқсизга ўлим ҳақ, севган одатда
Дунё тургунича яшайди омон.



ҚАРОР

Кетаман,
Томиб-томиб жоним тугамасидан,
Сўнмасидан ҳали кўзимда учқун.
Танҳолик ўртанмай фироқ дастидан.
Насия висолга умидим тутқун.

Кетаман,
Юлдузлар ҳайратдан ушлайди ёқа,
Ой қотиб қолади ҳайкал мисоли.
Дарёлар ортимдан қувиб етмоққа,
Тескари чополмай, танг бўлар ҳоли.

Кетаман,
Вафо йиғлаб қолар бева аёлдай,
Армон ўз бўйнига тортади сиртмоқ.
Чиқариб ташламоқ сени хаёлдан,
Қуёшни заминга кўмиб, чиритмоқ.

Кетаман,
Пишмаган орзуни кўсакдек чувиб,
Исботлаб севгининг ғаройиб кучин.
Умримнинг ўғриси – ҳижронни қувиб,
Висолнинг бошини силамоқ учун.

ҚАРҒИШ

Хайр,
Орзуларим қайтди манзилга етмай,
Армонга топшириб қўлда борини.
Умиддан хўрланган афсуслар кетмай,
Бенафқат тақдирга айтар зорини.

Хайр.
Алдов ўқларига яна ким нишон,
Қай тутқун парвона макринг ўтига.
Сен севги ниҳолин сўлдирган мезон,
Бир абгор қўшилар ишқнинг юртига.

Хайр,
Изингдан йўлимнинг бошини бурдим,
Соядек ортимдан эргашар афсус.
Қачон кўрсам сени севилган кўрдим,
Севганларинг каби юрдим мен маъюс.

Хайр.
Вафони тан олмас сенда эҳтирос,
Кўзингда ин қурган шайтону лаин.
Сени, севганларинг қолдирган мерос —
Севгининг қарғиши уриши тайин.



МАЖНУНЛИК ШАРАФ

Наҳот ишқ бошига тушди мусибат,
Умрга ошнолик истайди ҳижрон.
Ғийбатнинг мақсади бўлган хусумат,
Ишончга келтирмақ бўлади қирон.

Ўтмишдан марсия ўқийди афсус,
Нам тортган наमतдай вазминлашар руҳ.
Рашк, гумон – ишққа дўст тутинган жосус,
Фитна фирқасига ёлланган гуруҳ.

Надомат уйдан изларман паноҳ,
Йўлимни ёритсин шавқатинг нури.
Интиқлик – гарчи у яшашдан маъно,
Ҳижронда ўтса гар ошиқнинг шўри.

Севишга берилган имкондир ҳаёт,
Бахт – ошиқ номига бўлмақ машарраф.
Шаккок – ишқ боғини топтаган сайёд,
Муҳаббат даштида мажнунлик шараф.






МУҲАББАТ ТОТИ

Юракка ўртаниш илинар соғинч,
Лавҳалар саралар ўтмишдан хаёл.
Сокин кўл сатҳидек гарчи ҳолим тинч,
Кўнгилда надомат чекгудек аҳвол.

Айбимни исботлаб борар ўтган вақт,
Мақсадга эришган рашкка алдандим.
Англадим, ишқ экан бошга кўнган бахт,
Ошиқлар илоҳнинг эрка фарзанди.

Муҳаббат кўнгилнинг уйғониш даври
Бесамар кетмаган умрдан нишон.
Юрагим мақбара, армон – ишқ қабри,
Умиддан бадарға ўйлар паришон.

Хотира – ишқимдан қолган хазина,
Кўнглимни овутиб юрар ёр ёди,
Севганман, қилмасман тақдирдан гина,
Қалбимдан кетмаган муҳаббат тоти.





ОЖИЗЛИК

Ёшликдан нишона – армонни қўмсаб,
Ўтмишнинг бисотин титади хаёл.
Қолганман мезоннинг баргига ўхшаб,
Надомат таънаси кўнглимга малол.

Эътиқод асрайди шаккок ўйлардан,
Фарз билиб ўтмоқ шарт умр йўлини.
Ёр-ёр садолари келса тўйлардан,
Асабий силкитар армон қўлимни.

Дўст каби илтифот кўрсатар сабр,
Калтами умиднинг қўллари шунча.
Ишқ нима, малҳамми қалбга, ё жабр?
Ҳеч ким англамаган маълум тушунча.





ТАВАЛЛО

Қайтгил,
Қувончининг тамини унутди кўнгил,
Хаёлнинг юртидан орзулар қувгин.
Ҳажрнинг ўтидан руҳият тутул,
Бетараф боғларнинг барглари сўлгин.

Қайтгил,
Ҳамнафас дамларга хотирам қашшоқ,
Энг ноёб хазина висолдан мерос.
Қалб соғинч куйини чалгувчи машшоқ,
Вужудда тўлғонар таниш эҳтирос.

Қайтгил,
Шафқатни йўқ деган тухмат уялсин,
Каромат кўрсатсин узр қудрати.
Мен бузиб ташладим гумон уясин,
Сен ҳайда кўнглингни гина-қудратин.

Қайтгил,
Имтиҳон онидир бизга бу дунё,
Аччиқ қисматимни олгин раҳминга.
Ҳар куннинг охири бўлса ҳам сиёҳ,
Қара, қуёш ҳар тонг қайтар заминга.



ТАСКИН

Чидайман,
Мағрурлик иснодни бўйнига олар,
Шарм-ҳаё измига бўйсунмас уят.
Тил сукут сақлашдан гунг бўлиб қолар,
Қароридан қайтмас умидвор ният.


Чидайман,
Хуноб бўлар гумон исботи ўтмай,
Хижолат қадримга қазийди қабр.
Ёр ёдин хаёллар юрар унутмай,
Маломат қаҳрини ютали сабр.

Чидайман,
Ҳажрнинг сеҳридан ўзгарар дунё,
Юлдузлар, ой, қуёш, гуллар — ёр васли.
Вужудим қуш бўлиб учади гўё,
Ошиқлик ўзликдан воз кечмоқ асли.

Чидайман,
Заррача безовта бўлмасин ваҳм,
Мозий мисолида менинг кўнглим тўқ.
Ҳолимга кўз ёши тўкмасин раҳм.
Мен ҳали Мажнунга айланганим йўқ.

Чидайман,
Ўзгани кўрсатиб бермангиз савол,
Дарвишнинг бир умр ишлари тиғиз.
Мени беҳуш қилган наҳот шу аёл,
Ўттиз йил илгари мен учратган қиз.

Чидайман.





БАХТ

Ошиқман,
Севгимни тонг билан қутлайди булбул,
Гулгун юрагимга ўхшаб кетар гул.
Юлдузлар хаёллар сайр айлаган боғ,
Ой зулмат ҳамласин қайтарган яроғ.
Оламда ҳукмрон ишқ деган мавсум,
Дунёда неки бор, қилар табассум.
Омадим олқишлаб қутлайди қушлар,
Еллар ёш боладай қўлимни ушлар.
Ишқ мангу берилган, жоним — омонат,
Бир кун руҳим қолса севгига монанд,
Қабримга ёзинглар: “Армонсиз ўлган —
У ошиқ бўлган”.






ИЛТИЖО

Оқ-ойдин орзулар қоқаркан қанот,
Руҳимга тор келиб бепоён осмон.
Муҳаббат ўтидан қайнайди ҳаёт,
Ишқ — қалбга битилган илоҳий дoston.

Ошиққа ҳавасманд ҳаттоки кўёш,
Севмаган, шул сабаб доғ юзли моҳтоб.
Шабнамлар наҳотки ой тўккан кўзёш,
Бир бора севай деб жавдирар офтоб.

Оллоҳим қалбимни ишқдан яратдинг,
Дунёни шодликка келар тўлдиргим.
Қалбимни тарк этса гар муҳаббатинг
Қўрқиб ўлмасимдан олдин ўлдиргин.



ҲАҚҚОНИЯТ

Муродинг ҳосилмас мақсадсиз йўлда,
Зулматга боқса кўз, билки сўқир у.
Гар ишонч бўлмаса, омад йўқ қўлда,
Ишқ — висол кўйида яшаган туйғу.

Улуғлик — эзгулик қолдирган мерос,
Хатолик этагин тутар хавотир.
Ақлнинг измидан чиққан эҳтирос
Тақдирни чилпарчин қилмоққа қодир.

Умр бир лаҳзага қиёсдек, гўё,
Мангудек туюлган ҳаёт бир эҳсон.
Синоат тоғига ўхшайди дунё,
Чўққига тикилар пойида инсон.

Ошиқлик — ўзликни англаган неъмат,
Ишқ аҳли шукрона айтмоққа ҳақли.
Аксар бир ўй сурар: “дунё ғанимат”,
Муваққат саналган одамзод ақли.

Жон тирик бўлса гар, тутмаслар мотам,
Аёнди умрнинг бу фалсафаси,
Ўлишни ўйламас бирорта одам
Олганида ҳатто сўнгги нафасин.

МУНДАРИЖА

Ошиқ	3
Муҳаббат мулки	4
Ишқни тушуниш	5
Иқро	6
Хулоса	7
Ишқ армони	8
Роз	10
Бир ишқ тарихи	11
Охирги ўтинч	13
Вафосиз қизга	14
Ризолик	15
Ишқ ҳақида	16
Чўпон севгиси	17
Надомат	19
Гина	20
Васият	21
Ташналик	22
Жазо	23
Севги ватани	24
Тоқат	25
Арзи ҳол	26
Истак	28
Ёшлиқни қўмсаш	29

Ҳақиқат	30
Қарор	31
Қарғиш	32
Мажнунлик шараф	33
Муҳаббат тотӣ	34
Ожизлик	35
Тавалло	36
Таскин	37
Бахт	39
Илтижо	40
Ҳаққоният	41

Адабий-бадиий нашр

Хуршид Нуруллаев

МУҲАББАТ МУЛКИ

Шеърлар

Масъул муҳаррир *Рустам Мусурмон*

Муҳаррир *Аброр Қиличев*

Мусаввир *Олег Холодняков*

Бадиий муҳаррир *Анатолий Боброва*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Дано Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

ИБ № 4744

Босишга 15.08.08 й.да рухсат этилди. Бичими 70x90 ¹/₃₂
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 1,61 шартли босма
тобоқ 2,0 нашр тобоғи. Адади 2000 I-э-д 1000 нусха.
328 рақамли буюртма. 101-2008 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзилимиз: www.iptd gulom.uz